

Мамлакатни модернизациялаш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари

*Гулноза Самиева-ҚВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси,
ҚарМШИ мустақил изланувчиси*

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, илк йиллардаёқ ислохотлар янги мулк шакллари кўпайтиришга ёки кўп укладли иқтисодий тартибни барпо этишга қаратилди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойили, “Тараққиётнинг ўзбек модели”нинг бири – давлат – бош ислохотчи деб юритилади. Давлат ислохотлар юритишда ўзининг бош “дастаклари” – солиқ, молия, пул-кредит сиёсати қабиларни ишга соладики, булар турли мулк шакллари асосида фаолият юритишларига замин яратади.

Худди шундай – деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга ҳам энг аввало давлатнинг аграр соҳадаги иқтисодий сиёсати таъсир этади. Шу туфайли деҳқон хўжаликлари илк мустақиллик йилларидаёқ қишлоқда тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Давлатнинг иқтисодий ислохотларига асосан, деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми аниқланди, уларнинг фаолияти қонун йўли билан мустақамлаб қўйилди. Деҳқон хўжалиги салоҳиятининг янада ошишига деҳқон хўжалиги фаолиятини ривожлантириш учун давлат кўмагини кўрсатиш, ишлаб чиқариш муносабатларида бевосита қатнашиш, ресурслар таъминотини яхшилаш ва қўшимча ерлар ажратиш каби омишлар ижобий таъсир кўрсатди. Бу жиҳатлар машҳур иқтисодчи омишлар К.Макконелл, С.Брю¹ асарларида келтирилган. Улар ўз асарларида давлат бош ислохотчи эканлигини қўйидаги вазифалари орқали амалга оширишини таъкидлаганлар:

1. Давлат бирор-бир тизим вазифаларининг самарадорлигини таъминловчи ҳуқуқий асосни ва ижтимоий муҳитни таъминлайди;

2. Давлат монополияга қарши (антимонопол) сиёсатни амалга ошириб, рақобатни ҳимоя қилади;

3. Давлат даромад ва бойликларни қайта тақсимлайди (бу билан давлат бюджети ҳосил бўлади);

4. Давлат миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимоли учун жавобгар бўлади ва керак вақти тузатишлар киритади;

5. Давлат эътиборини кўпроқ иқтисодий тартибни барқарорлаштиришга қаратади. Давлатнинг ушбу вазифалари қўйидаги чизмани яратишга асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган деҳқон хўжаликлари олдида турган муаммолар ҳам ўз ечимини топса, истиқболда, биринчидан, қишлоқ аҳолиси фойдали меҳнат билан банд бўлар эди; иккинчидан, аҳоли сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминланган бўлар эди.

Президент И.А.Каримов айтганидек: “... мақсад – қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, аҳолининг 60 % дан кўпроғи яшовчи қишлоқларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиши керак”.²

Таҳлиллар шундан далолат берадики, деҳқон хўжаликларининг даромади энг аввало аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали олинади. Демак бунда икки томонлама манфаатнинг қондирилиши ҳақида гап кетмоқда. Шундай экан, истиқболда ҳам инсоннинг эҳтиёжи ортса-ортадики, асло камаймайди, бунда манфаатлар тўқнашавради. Фақатгина, уларнинг даромадига меҳнатга лаёқатли оила аъзолари сони, бошланғич маблағ, ер (экин) майдони ва тадбиркорлик қобилияти каби ишлаб чиқариш

¹ Макконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика в 2 т.: Пер. с англ. Таллин, 1993 г.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом еттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ВМ йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 26 февраль.

омиллари таъсир этаверади. Кейинги йилларда ҳатто бу омиллар турига ахборот ресурси ҳам қўшилдики, маҳсулот ишлаб чиқариш учун аввало эҳтиёжни аниқлаш ва ахборотларни қайта ишлаш орқали маҳсулотлар харидорлигини таъминлаш мумкин.



1-расм. Деҳқон хўжалигининг асосий вазифалари

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, деҳқон хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш манбаи бўлса, қайта ишловчи корхоналар учун хомашё етказиб беришда, давлат учун аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ва аграр тармоқни барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш каби қатор муҳим иқтисодий-ижтимоий вазифаларни бажармоқда. Деҳқон хўжалигининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазифаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим (1-расм).

Ҳозирги кунда деҳқон хўжаликларининг ривожланиш йўналишларини ҳисобга олиб, деҳқон хўжаликлари бугунги кунда нафақат ўз оиласини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлайдилар, балки уларнинг ер майдони миқдорига қараб, товар хўжалигига айланишга шунчалик имкониятлар туғилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун истиқболда мамлакатимизда деҳқон хўжаликлари ихтиёрига берилаётган майдонларни кенгайтириш ва бу орқали уларнинг салоҳиятини янада ошириш лозим бўлади.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун биз қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

- қишлоқ жойларда деҳқон хўжаликларини ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинг ахборотлари билан таъминлайдиган, уларни хўжалик юритишнинг замонавий қоида ва усулларига ўргатадиган махсус хизматлар ташкил этиш;
- деҳқон хўжалиги эгалари ва аъзолари ўртасида аҳолини ижтимоий суғурталанишнинг хусусиятлари тўғрисида тушунтириш ишларини жадаллаштириш, ижтимоий суғуртага деҳқон хўжаликлари иштирокини таъминлаш;
- илғор агротехнология ва қишлоқ хўжалиги иқтисоди масалалари бўйича деҳқон хўжаликлари бошлиқларининг малакасини ошириш ва касбга ўқитиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тизимлар ишини янада жонлантириш;

- деҳқон хўжаликлари манфаатини қондириш мақсадида уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун қулайликлар яратиш ва деҳқон бозорларини замонавий савдо ускуналари ва омборхоналар, терминаллар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш.

- деҳқон хўжалигида ҳосилдорликни оширишга эришиш;
- деҳқон хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам интенсив, ҳам экстенсив ривожлантириш йўллари излаб топиш;

- шунингдек, касаначиликни деҳқон хўжалиги негизида ташкил этиш;

- истиқболда деҳқон хўжаликлари таркибида инфратузилмани ривожлантириш;

- деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун микрокредитлар беришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.